



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 октябр, чоршанба № 164 (2005)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УЧ ТУМАН - МАРРАДА

Кирк саккиз минг тоннадан зиёд пахта етиштирган Дўстлик тумани миришкорлари Жиззах вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.

Туманда фаолият юритаётган 767 фермер хўжалигининг асосий қисми шартнома мажбуриятини ортиги билан удалади. Уртача ҳосилдорлик 29-30 центнерни ташкил этди.

Бироқ, бу сўнги марра эмас. Дўстлик тумани пахтакорлари даладаги ҳосилни чамалаб қўриб, давлатга яна 6 минг тонна хомашё сотишни мўлжалламоқда.

Шунингдек, Арнасой, Мирзачўл тумани пахтакорлари ҳам давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди, кун сайин маррага яқинлашиб келаётган вилоят пахтакорлари хирмонига муносиб ултуш кўшди.

## ПАЙАРИҚЛИКЛАР БИРИНЧИ

Пайариқ тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини бажарди. Кабул пунктлариغا етказиб берилган 34 минг 200 тонна хомашё тўлиқ юқори навларга сотилди. Тажрибали фермерлар ҳар гектар майдондан биринчи теримдаёқ 45-50 центнерга етказиб ҳосил олди.

Эр ўзгасини топгани, туманда фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланишига мўваффақият омилли бўлди. Бу нафақат пахтачиларда, балки бошқа соҳаларда ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Инсон - Ватанини ва ота-онанинг танлаш имконига эга эмас. Она оқ сўтидан баҳра олиб, ота дастурхонидан туз тотиб воёга етган, аждодлардан табаррук мерос азиз маконда ўсиб-ўлғайган ҳар бир ормонусли, динбонли фарзанд ана шу мўътабар неъматларни улғулашти ва қадрига етиши фарзу қарз.

Ватанини, ота-онани наинки қадрлаш, айни чоғда уларни рози қилиш, ҳар қандай ёвуз кучлар таҳдидидан муносиб ҳимоя этиш ўзини, ўзлигини тангани қўриб қарзанд учун муқаддас бурч, шарафли вазифадир.

Бугун юртдошларимиз Андижон воқеаларида мардлик ва матонат фазилатларини намоян элган ўғлонларимизни олқишлаймиз. Юрт бошига иш тушганда, элга хавф-хатар ёпирилиб келганда ширин жонини, ҳаётини тиккан юртдошларимизнинг номи қалбимизда абадий сақланиб қолади.

## ФИДОЙИЛАР КЎПДИР БУ ЭЛДА

Ватанига хиёнат қилган, халқ манфаатларини сариқ чақага пулламоқчи бўлган хонлар, ота-онани хор, ахлу аёли, фарзандларини шармисор қилган, яқинлари, қариндош-уруғларининг юзини ерга қаратган кимсалар эса ҳақли равишда эл-юрт лангатида дучор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганига айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёни давом этмоқда.

Унда ўша дахшатли ҳодисалар юз берган далада тинч ва оқсоғимизни ниҳоний сақлаш, эл-юртнинг химоя қилиш учун мардона жон бериб, ўз бурчига содиқ қолган хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий хизматлар ходимлари қисмати, айрим ўғлонларимиз ҳаётининг сўнги дақиқалари ҳақида бир неча ўнлаб жаҳонларчи, гувоҳ ва жаҳонларчилик вакиллари кўрсатмалар бераётир.

Шундай юртдошларимиздан бири - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшиқларида хизмат қилган Абдуробек Тўвудиев оилада ёлғиз ўғил бўлган. Ҳали ўттизга ҳам қирмаган бу йигит жангарилар қўлида мардона ҳалок бўлди.

«Узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бериб келдим, - дейди Абдуробекнинг отаси Анорбой Тўвудиев. - Нафақада бўлсам-да, қўлимдан келганича шу юрт учун, унинг бахт-саодати йўлида хизмат қилдим. Фарзандларимни ҳам шу руҳда ўстирдим, тарбияладим. Икки қиз, кўп ўғилни ўйли-жойли қилдим. Абдуробек - ёлғиз ўғлим, қўшимчинг оқу қораси, ишонган тоғим эди...»

Анорбой ака ўғлини сўнги бор 9 май кунини кўрган. У ўшанда Хотира ва қадрлаш кунини марҳум онасини ёд этиш учун келиб кетган. Шундан сўнг ота ўз нурийдисининг Андижон воқеалари кўни жангарилар томонидан гаровга олингани, кейинчалик эса отиб ташланганини

Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Бахтиёр Усмоналиевнинг кўрсатма беришича, 13 май кунини кечки пайт жангарилар гаровдагиларни ҳокимлик биносидан паस्ता олиб тушиб, бир-бирларига боғлаб жонли қалқон сифатида олиб кетаётганда Миллий хавфсизлик хизмати ходими Отабек Каримов ҳолдан тойиб йиқилади.

«Отабекни бир кеча-кундуз давомида шафқатсизлик билан роса қийнашган эди, - дейди Б.Усмоналиев. - Шундан сўнг кутурган жангарилардан бири уни шартта отиб ташлади.»

Иккинчи гуруҳ ногирони, жаҳонларчи Иброҳим Каримов: «Ўғлим Отабек 13 май кунини эрталаб оғдатдагида ишга жўнаб кетди. Ундан бир неча кун хабар бўлмади. Уйдагилар хавотир олинганда ҳам уларга далда бериб турдим. Орадан 3-4 кун ўтиб, унинг жасдини олиб келишди», дейди.

Ушбу жиноий тўда аъзоларининг ёвузликларини оқибати-

да Андижон шаҳар прокурори Фанижон Абдурахимов, шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Аҳмад Раҳмонов, ички ишлар ходими Маъруфжон Ҳакимов, ҳарбий хизматчилар Ражабали Рўзибоев, Илҳомжон Дўстонов ҳам мардларча ҳалок бўлди.

Суд жараёнидаги жаҳонларчилик билан кўрсатмалар, аниқлашувчи саволларга судланувчилар қайтарган жавоблар, бошқа тегишли далиллар билан истироби воқеалар манзараси, фотиҳанинг бугун тафсилоти билан бирма-бир ойдинлаштириб берилмоқда.

Ҳимнатларимизнинг асосий нияти - Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқсоғимизни, жаҳонларчиликнинг бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаятган фаровон

ва осуда ҳаётни буютиш, давлатимизни адғарши, танлаган йўлимиздан қайтариш бўлган.

Улар ўз ниятига эришолмади, эриша олмайдилар ҳам. Зеро, фарзандларимиз орасида ўз жонини эл-юртнинг тинчлиги ва оқсоғимизнинг уюни фидо этишга тайёр доғрак ўғлонлар жуда кўп.

Қалбида Ватан туйғуси мавж эрган миллионлаб бундай эр йигит, мард инсонлар Ватанимизга кўз олайтирадиган ҳар қандай боқинчилик, тажовузкорона уришилган элдин олиншинг, муқаддас заминимизни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишини ишончли ва мустақкам қафолатди.

Ўзбекистон - халқимизнинг ягона Ватани. Бундан ўн тўрт йилдан кўпроқ вақт муқаддас, истиқлол шарафати тўғрисида, биз учун азиз Ватанимиз ва халқимиз, буюк аждодларимиз, бой тарихимиз, бебаҳо қадриятларимиз, порлоқ келажакимиз ҳақида сўзлаш имконияти туғилди. Бинобарин, ҳақиқий Ватан муҳаббатини, Ватан туйғуси мамлакат овоз ва обод, халқ эркин бўлгандагина юзага келади.

Ватан туйғуси - Ватанини химоя қилиш, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широк, Спитамен, Наҳмиддин Кубро сингари юзлаб шероқларини ёдда тутишди. Томирини охириги томи қони қолгунча душманга қарши курашган Жалолиддин Манғуверди, Темир Малик каби баҳодирларнинг нанкин хотирасини унутмаслик, айни чоғда уларнинг қаҳрамонликларини қалбга жўлаб яшаш ҳам Ватан ҳисси, демок.

Мустақиллигимизнинг қадрига етиш, уни ёвузлар, қаддам-қаддам мустақкамлаб бориш, энг муҳимини, истиқлолимизни ҳар дўшманга қарши тажовузкорона кўз қорачиқидай асраб-авайлаб ҳимоя қилиш - мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзу ҳаракатлар аслида бугун ҳақиқий ватанпарварлик намуналаридир.

Ғулум МИРЗАЕВ, Бехзод НОРБОВЕВ, ҒаА махсус ҳурбидлари

## ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жорий йилнинг 2-4 октябр кунлари давлат таширифи билан Малайзияда бўлди.

Бугунги Малайзия - маф-тункор ўлка дунё ақойиботлари ва гўзаллигини кашф этишга бел боғлаган ёш саргузаштпарастни ҳам, тажрибали сайёҳни ҳам бефарқ қолдирмайди. Қаерга қараманг, дид билан ўстирилатган палмазорлару беадад архидеязорлар ва «Selamet datap» деган лутфга дуч келасиз. «Хуш келибсиз» деган мазмундаги бу ибора меҳмоннинг кўнглини хушладан шунчаки айтадилган мулозамат эмас, балки миллий анбана, шарҳона меҳмоннавозлик белгиси эканлигини мамлакатга кириб борганини сари чўқуринг ҳис этасиз. Ўзимиздаги сингари озодлик, хуш муомала, покиза инсонийлик.

Малайзия бир маҳаллар нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бойлиги билан машҳур эди. Анқироги, хомашё ўлкаси эди. Бугун у юксак суратлар билан тараққий этиб бораётган, ривожланган давлатларга ҳар жиҳатдан тенг келиб қолган мамлакат десак, хато бўлмайди.

У дунёдаги энг илғор технологияларни, таъбир жоиз бўлса, зудлик билан ўзлаштириб олган, компьютер билан алоқадор соҳаларда фаолият кўрсатадиган фирма ва компаниялар энг кўп жойлашган мамлакатлардандир.

Айни пайтда ушбу мамлакат Жануби-шарқий Осиёдаги энг нуфузли ташиқлик бўлиши АСЕАНга раислик қилмоқда. Аввалга, шунинг таъкидлаш ўринлики,



ё ўшашлигини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон доим халқаро майдонда ушбу давлатни қўллаб-қувватлаб келадим. Мисол учун, мамлакатимиз БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили - ЭКОСОСга, 1998 йили Хафсизлик кенгашининг номзодини аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили хотин-қизларни камситишинг барча шакллари бартараф этиш бўйича кўмитига.

Малайзия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини қадрлайди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик унга Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларига йўлни кенгайтириш имконини беради. Ташиқ чоғида Малайзия раҳбарияти ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё

умумий бозорини ташкил этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билан қарши маълум бўлди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Малайзия Қироли Туанку Сайид Сирожуддин Жамалуллайл билан мулоқотда кенг қаровли масалалар юзасидан фикр алмашди. Мамлакат Бош вазир Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташиқлотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилан олинди. Аввалга, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустақкамланди. Президент Ислоҳ Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Унда ҳамкорликнинг тамойиллари ва истиқболлари баён этилиб, муносабатларни ривожлантириш борасида томонларнинг яқдиллиги, қатор халқаро ва минтақавий масалаларга қарашлари ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳуқуқатлари ўртасида Ҳаво транспорт қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, Савдо бўйича қўшма қўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, хавфсизлигини таъминлаш ва террорчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид англашув меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги ахдлашув протоколи имзоланди. Сафар асносида Президенти Ислоҳ Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Ҳамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Бин Нга Толиб билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Ҳамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН, Ислоҳ конференцияси ташиқилоти каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ислоҳ Каримов, шунингдек, Малайзиянинг собиқ Бош вазири Махатхир Муҳаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга ташиқилоти сиёсат ва жамоат арбоби Махатхир Муҳаммад баён этилиб, муносабатларни ривожлантириш бўйича кўп томонлама масалаларни муҳокама қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг ташиқифига Малайзия томони катта тайёргарлик кўрди. Савдо бўйича қўшма қўмита ташиқилоти бўйича кўп томонлама келишув эришилган, лекин ҳали бу ҳақидаги ҳужжат имзоланмаган эди. Шундай бўлса-да, сафарнинг иккинчи кўни қўмита ўзининг илк мажлисини ўтказди. Бу томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ҳамоҳанглиги таъкидланди.

(Давоми 3-бетда)

## БОБОДЕҲҚОН, ҚАНДИНГНИ УР!

Кизилтепа тумани пахтакорлари Навоий вилоятида биринчилардан бўлиб маррага етиб келди. Кабул масканларига 26 минг тоннадан зиёд хомашё топширган туман пахтакорлари гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олди.

«Ворозун», «Деҳқонobod», Косим Қобилов номли, «Тавонис» ширкат хўжалиғи деҳқонлари туман хирмонига муносиб ултуш кўшди. Туманда фермерлик ҳаракатининг ривожланиб бораётгани ҳам ушбу ҳосилнинг бош омилли бўлди. «Адолат машъаласи», «Мавжуда Шарипова», «Кизилтепа мангити», «Хусниддин-2001», «Камолитдин», «Абдулла бобо», «Ўзбекистон», «Валиобод», «Остон бобо» каби фермер хўжалиқлари ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан ҳосил кўтарди.

Шунингдек, Қонимех тумани пахтакорлари ҳам зафар маррасини эгаллади. Вилоятда пахта терими кизгин давом этмоқда. Хатирчи, Набихон ва Кармана туманлари миришкорлари ҳам марра сари илдам оидилмоқда.



Мавсумда 460,7 гектар ерда пахта етиштирган Учқўприк туманидаги Мираҳмад Деҳқонов номли ширкат хўжалиғи деҳқонлари пахта тайёрлаш шартнома-режасини адо этишди. Йилгич-терим ишларини ушшоқлик билан ташкил этган хўжалиқда ҳар гектар ердан 36 центнердан қимматбахо саноат хомашёси йиғиштирилиб, қабул пунктларига 1658 тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берилди.

Йилгич-терим ишларида иштирок этган теримчилар, пудрат аъзолари, механизатор ва барча ишчи-хизматчилар рағбатлантирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келган бош пудрат аъзолари қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, энг кўп ҳосил етиштирган, энг кўп пахта терган миришкорлар ҳам муносиб тақдирландилар. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, далада ҳосил чўғи мўл. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра яна 300 тонна пахта териб олиш имконияти бор, бу эса умумий ҳосилдорлик салмоғини 40 центнерга етказиши мумкин.

Суратларда: пудрат аъзоси теримчи Зайнабхон Мамажонов; пудрат аъзолари (чапдан ўнгга) Ҳабиба Хотамова ва Раъно Қўлдошева.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар



У 62 йил мобайнида турли вазиқаларда сидқидилдан ишлади. Ҳайтада ўзидан яхши из қолдириш, малакали шоғирлар тайёрлаш, соҳа ривожига ҳисса қўиш учун тинмай изланди. Борини амалиётга жорий этди. Аёл ўзини энг бахтли инсонлардан бири деб биларди. Асака туманидаги «Пахтабанк» бўлимида уни ҳамма хурмат қилар, бирон муаммо юзага келса, мураббийнинг таърибисидан, билим ва заковатидан мадад оларди. Ҳайтада ҳамма нарса бўлиши мумкин. Аммо Вера Васильевна ҳеч қачон хайратомуз баҳоналар билан вазиқасидан бўшатилганини ўйламагани. У кўп ўринларда ўзбекча сўзлашар, маҳаллий халқ урф-одатларини чўқур ўзлаштиргани учун тўй-ҳашамларда, тадбирларда фаол кетнашарди.

Таъкидлашларича, опа ўз соҳасини яхши билган мутахассис, ташиқилотчи, қатъиятли инсон. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам шахсий фикрида турар, адолат йўлини қатъий ёқларди. Баъзида иш манфаати юзасидан раҳбарлар билан талашиб-тортишишдан чўчимасди. Вера Хорсун бошқарувчи ўринбосари, бошқарувчи вазиқаларида ишлаганда ҳам айнан шундай йўл тутди. Пенсияга чиққач, кредит-режа бўлимида бош мутахассис сифатида фаолият юрота бошлади. Аммо қизиги шундаки, бундай ўзига ишонган кишилар қимматларгадир ёқди, кимларга эса... Кўнларнинг бирида қитилмаган воқеа юз берди. Шоғирди, эндиликда банк бошқарувчиси С.Абдужабборовнинг буйруғи билан вазиқасидан бўшатилди.

## Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

раиси номига хат йўллаб, адолатни тиклашда ёрдам сўради. Андижон вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маъмурий апаратида меҳнаткашлар ариза, шикоят ва мурожаатларига алоҳида эътибор берилади. Кенгаши раиси Қодиржон Парпиев В.Хорсуннинг мактубини син-

иборат гуруҳ масъулиятини ҳис этган ҳолда иш бошлади.

Аён бўлишича, онахон Илгари ҳам штат қисқарди, баҳонасида вазиқасидан озод қилинган экан. Бироқ, юқори идораларнинг аралашувидан сўнг у вазиқасида қолдирилган. Умуман штат лавозимларини ичқамлаштириш хусусидаги масала кун тартибига қўйилди дегунча, В.Хорсун мўлжалга олиनावерган. Бироқ, сидқидилдан ишлаб юрган ходимини вазиқасидан бўшатилиш осон иш эмас. Ҳар қандай иш, талаб қонуний бўлиши керак. Акс ҳолда сай-ҳаракат лутга чиқади. Меҳнат фахриисига муносабат масаласида қатор камчиликларга, қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Аввалга Меҳнат Кодексида меҳнат шартномаси иш бериувчининг ташаббуси билан қай шароитда бекор қилиниши батафсил баён қилинган.

Таркиб аъзолари В.Хорсунни иш бериувчи ўз қароридан вақтида оғоҳ этмаганлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича кўзда тутил-

## ИНСОН ТАҚДИРИГА БЕФАРҚЛИК

Энди кексайдингиз, ёшларга ўрин берайлик, дейишса бажонидил ўзим ариза ёзардим, - дейди опа куюниб. - Менга нисбатан нотўғри йўл тутилганлигини эшитиб, қадримга ачиндим. Шу кўйи кўнлар кетидан кўнлар ўтарди. Тасодифан унинг қўлига республика газеталаридан бири тушиб қолди. Қўйидаги сатрлар эътиборини тортди: «Андижон вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашда мустақкам турди. Нокўнуний ишдан бўшатилган 310 нафар ходим ўз вазиқасига тикланди.» Шундан сўнг вилоят кенгаши

С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



# ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Кўмига йиғилиши икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумига улаиб кетди. Қатнашчилар сафи бир неча қарра кенгайиб, бизнесменлар бевоғота ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан музокара ўтказдилар, имконият, шарт-шароит ва бошқа омиллар бўйича савол-жавоблар белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармон доиралари ўртасида жами 16 ҳужжат имзоланди. Улар банк-молия, сармога, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳамкорликни назарда тутди. «Петронас» корпорацияси билан тузилган 2 ҳужжатни ҳам қўшиб айтиш мумкин, иқтисодий мажмуа бўйича 18 келишув расмийлаштирилди. Уларнинг молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошди.

Шу ўринда «Петронас» корпорацияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. 1974 йил 17 августда ташкил этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юрताди. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.



«Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур марказида қад ростлаб турган мўъжиза ҳам яхши тасаввур беради. Айни шу ном билан аталувчи «эгиз» минора нафақат Малайзия пойтахти, балки бутун мамлакатнинг рамзи ва фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган

бу қўшминорнинг баландлиги сал кам 452 метрга тенг. Улардаги идоралар, дўконлар, кўрғазма ва конференция заллари, галереялар, ошхона ва маданий қадриятлар бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майдони мавжуд. Айниқса, нефть-газ, юқори технологиялар, енгил саноат, савдо ва сармога соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи ана шу бой ва мустақкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

порақияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи Малайзия раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни юксак даражада қадрлашини яна бир бор намоён қилди. Кирил Туанку Сайид Сирожуддин Жамаллуллайл давлатимиз раҳбарини Парламент майдонида расмий кутиб олган бўлса, расмий хайрлашув маросими учун Ислам Каримовни ўзининг «Истана Негра» саройига таклиф этди.

Шу тариқа Ўзбекистон Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди, алоқалар пайдоворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Малайзияни сиёсий ҳамжиҳатлик, халқларимизни эса диний ва маданий қадриятлар бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майдони мавжуд. Айниқса, нефть-газ, юқори технологиялар, енгил саноат, савдо ва сармога соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи ана шу бой ва мустақкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВИ, ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ**  
Тошкент - Куала-Лумпур - Тошкент.

## Ҳамза шаҳарчасидаги «Олтин сўт водийси» корхонаси беш йилдан бунён фаолият юрताди.

Олтириқлик Иброҳимжон Саидоҳонов биринчилардан бўлиб сутни қайта ишлаш билан шуғулланган тадбиркорлардан саналади. Корхонада тайёрланаётган уч турдаги сўт маҳсулотлари аллақачон ўз харидорини топган. Уттиз киши меҳнат қилаётган корхонанинг ширкат ва фермер хўжалиқларида 15 та сўт қабул қилиш шохбосчаси бор. Корхонада бир кунда 25 тонна сўт қайта ишланмоқда.


## КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Замонавий технологиялар ёрдамида иш юритаётган мазкур корхона ҳузурида «Соя инвест» Ўзбекистон-Германия-Украина қўшма корхонаси ҳам иш бошлади. Эндиликда бу ерда соядан қурилган сўт ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижа экспорт қилинади.

Бозор талабидан келиб чиқиб Риштон туманида ҳам сутни қайта ишлайдиган корхона барпо этилмоқда, - дейди И.Саидоҳонов. - Унинг қурилиши қўшма корхона томонидан молиялаштириляпти. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бoшқармаси ҳам 150 миллион сўм маблағ ажратди. Корхона бир кунда 60 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Беш йилдан зиёд йиғит-қиз иш билан таъминланади.

(ЎЗА)

# ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, профессор Озод Обидович Шарафиддинов узоқ давом этган хасталикдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Озод Шарафиддинов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1951 йилда Урта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини битирган, Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Озод Шарафиддинов адабиётга ўтган асрининг 60-йилларида ўзига хос овози билан кириб келди. Унинг бадиий адабиёт муаммоларига бағишланган ўткир мақолалари, айнқса, «Замон, қалб, поэзия» китоби ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди. Олимнинг талабчанлик руҳида, жўшқин қалб ҳарорати билан ёзилган адабий-танқидий асарлари, атоқли ўзбек адиб ва шоирлари ҳақида яратган теран илмий тадқиқотлари адабиётимиз ривожига кат-

хифалари орқали халқимизни дунё адабиётининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда жонбозлик кўрсатди.

У айнқса истиклол йилларида қатъият ва фидойилик билан ижод қилди. Оғир хасталигига қарамай, адиб ва публицист сифатида «Истиклол фидойилари», «Чўлпонни англаш», «Довондаги ўйлар», «Президент», «Ижодни англаш бахти» каби салмоқли асарлар яратди.

Озод Шарафиддиновнинг эл-юртимиз олдидаги катта хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларига, «Меҳнат шўхрати», «Буюк хизматлари учун» орденларига сазовор бўлган эди.

Бутун ҳаётини илми-маърифат ва маънавиятга бағишлаган заҳматкаш олимнинг ўлмас асарлари, сермазмун ҳаёти ёш авлодни тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг фидойи фарзанди Озод Шарафиддиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиса сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, М.ШАРИФЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, А.ОРИПОВ, САИД АҲМАД, Э.ВОҲИДОВ**

# МАСАЛАГА ОЙДИНЛИК КИРИТСАНГИЗ

Саволингизга Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурори ўринбосари, адлия майори Суюн Чориев жавоб беради

**САВОЛ:** Ўғлим мурдатли ҳарбий хизматдан қолдирилиб, сафарбарлик резервидаги хизматга ўтказилди. Сабабини эса тушунолмаймаман. Ана шу масалага ойдинлик киритиб берсангиз.

**Н.Жўраева,** Қашқадарё вилояти

**ЖАВОБ:** Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги қонуни қабул қилиниб эндиликда ҳарбий хизматнинг мурдатли, сафарбарлик қақриуви резервидаги ҳамда контракт бўйича турлари жорий этилди.

Авалло, ушбу қонуннинг мақсади ҳақида гапирадиган бўлсак, фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Унда кўрсатилган барча моддаларнинг республикамиз Конституцияси ва инсон ҳуқуқларига тўла асосланганлиги илгариги қонунлардан устуңлигини ҳамда мукамаллигини намойён этди. Янги қонун ҳарбий хизматчиларга ҳамда уни ўтаб бўлганларга имтиёз ва имкониятларининг қўллиги билан ҳам фарқланади.

Тўғри, бугунги кунда мурдатли ҳарбий хизматга қақририлиши истовчилар жуда кўп. Бироқ, ушбу ҳарбий хизматнинг ўзига хос талаблари ҳам бор. Айтйлик, шаҳар ёки туман мудоаа ишлари бўлими икки йилгитни тиббий ҳамда маънавий томондан соғлом деб топди. Энди улар Мудоаа Вазиригити томонидан тайёрланган тест саволларига жавоб беришлари керак. Шундай ҳолларда натижа-лар яна бир хил бўладиган бўлса, улардан бирининг ҳарбий хизматгача эғаллаган спорт, техника ва бо-

шқа соҳадаги мутахассислик-лари қўл келиши мумкин.

Мурдатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақририлиш мурдатини кечикти-



риш ва қақририлишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ қуроли қуллар сафига наватдаги мурдатга қақририлмаган шахслар сафарбарлик қақриуви резерви сафига олинди. Ушбу хизмат ҳудудий принцип асосида бир ойлик йиғинлар тарзда ташкил этилади ҳамда қақрилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудоаа вазиригитининг махсус ҳисоб ваарағига (энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдориди) пул бадаллари тўлашлари керак бўлади. Бу маблағлар мурдатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчи-


ларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек, сафарбарлик қақриуви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аник мақсадли йўналтирилган бўлади. Фуқаролар СҲРда 27 ёшга қақар хизмат қилишадди.

Сафарбарлик қақриуви резервидаги хизматга қақририлган пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек, сафарбарлик қақриуви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аник мақсадли йўналтирилган бўлади. Фуқаролар СҲРда 27 ёшга қақар хизмат қилишадди.

Сафарбарлик қақриуви резервидаги хизматга қақририлган пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек, сафарбарлик қақриуви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аник мақсадли йўналтирилган бўлади. Фуқаролар СҲРда 27 ёшга қақар хизмат қилишадди.

Айтиш лозимки, сафарбарлик қақриуви резервидаги хизматни ўтаганлар ҳам олий ҳарбий билим юртларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқийшга кириши, ҳуқуқ-тартибот органларида иш-лашлари мумкин.

## 2005 йил — Сихат-саломатлик йили



**Сабоят опанинг боши котди. Негаки, кичик қизи Наргиза кейинги вақтда тез-тез боши оғриқидан шикоят қилар, ўхтин-ўхтин шамоллаб турарди. Опа ён қўшнисига маслаҳат солди.**

— Менинг ҳам кенжа-тойим тез-тез бетобла-ниб турарди. Шифохона-га чиқсак, Тошкент ша-ҳар ўсмирлар соғлигини тиклаш марказига йўлланма беришди. Қат-наб доволанди. Ҳозир саломатлигидан ҳеч кан-дай шикоятни йўқ.

Мазкур марказ ҳақида бундай илқ фил-қиларни тез-тез эшитиш мумкин. Унинг асосий мақсади қизларни она-ликка тайёрлаш, бола-лар ўлимининг олдини олиш, йиғитларни ҳар-бий хизматдан олдин кўрик-танловдан ўтка-зиш ва уларни соғлом-лаштиришдан иборат-



дир. У 1996 йилда та-шкил топди. 2 йилдан сўн-г унинг қошида маслаҳат-ташхис маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади.

# ТЎҒРИ ТАШХИС

ярим муваффақият

Бу ерга ўсмирлар Тош-кент шаҳрининг барча ту-манларидан йўлланма би-лан келиб, тиббий текши-рувдан ўтказилади. Каса-ли аниқланган тақдирда шу ёрнинг ўзида довола-нади. Улар 12 кун даво-мида малакали шифокор-лар назоратида бўлиб,



зарур муолажаларни оли-шади. Марказда текширув ўтказиш ва ташхис қўйиш учун 18 турдаги мутахас-сислар фаолият кўрсати-шаёпти. Гинеколог, уро-лог, ортопед, невропато-лог, кардиолог, эндокри-нолог ва бошқа йўналиш-даги шифокорлар шулар жумласидандир.

21 нафар шифокор ва 4 нафар тиббиёт фанлари номзоди ўсмирлар со-ғлигини муҳофаза этиш-да билим ва тажрибала-рини аямшаёпти. Даво-лаш маскани ташхис қўйиш учун замонавий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган. Сурайё Муслимова, Лола Жалилова, Елена Ким, Севара Шамсиева каби ўз ишининг би-лимдонлари ёшларда ширин муомалалари би-лан ҳам яхши таассурот қолдиришмоқда. Бутун жамоанинг бир ёқадан бosh чиқариб, ишлаши натижасида ўтган йили Япония элчихонасидан 50 минг АҚШ доллари миқдорига грант ва янги УЗИ, гастроброскоп аппаратлари олинди.

**Н.РАФИҚОВ,** «Ишонч» мухбири

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Парижда БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКОнинг 33-Бош конференцияси бошланди. Унда ташкилотга аъзо 191 мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда.

Анжуманда дунё халқлари ўртасида маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш, спортда допинг муаммосига қарши курашиш ҳамда биозитсига оид масалалар муҳокама этилади. 21 октябрдан давом этадиган конференцияда шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзолари ва мазкур ташкилот раҳбари лавозими учун сайлов ўтказилади. Маълумотларга кўра, ЮНЕСКО бош директорлигига 1999 йилдан бунён ташкилотни бошқариб келаётган япониялик Коитиро Машууранинг қайта сайланиши кутилмоқда.

Германиянинг Лейпциг шаҳрида 48-халқаро ҳужжатли фильмлар фестивали давом этмоқда. ПАТА-ТАСС хабарига кўра, унда эллиқдан ортиқ мамлакатда суратга туширилган мингта яқин фильм, ҳужжатли фильм ва мультипликация фильмлар намойиш этилади. Кино анжуманида, анъанага мувофиқ, голлибларга олтин ва қумушдан ишланган каптар тисоли топширилади.

Душанба куни Бангладешда террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Жа-барларга кўра, Читтагонг, Чандпур ҳамда Лакшмипур шаҳарларида портловчи мосламалар ҳаракатга келтирил-ган. Хунрезлик оқибатида бир неча киши қурбон бўлиб, қирқдан ортиқ одам жароҳатланди.

Ҳозирча ушбу жиноятга алоқадорлик-да гумон қилинаётган бир неча киши хибсга олинган. Бироқ, мамлакатдаги террорчи гуруҳлардан ҳеч бири ушбу кўпуровчилликлар юзасидан жавобгар-ликни ўз зиммасига олгани йўқ.

Хиндистонда темир йўл ҳалокати содир бўлди. Варанаси-Гвалиор йўналиш бўйича ҳаракатланаётган тезорар поезди Махья-Прадеш штатида издан чиқиб кетди. Оқибатда йигирмага яқин йўловчи ҳаётдан кўз юмди, аксарияти жароҳатланди.

Айни пайтда кутқарув гуруҳи ва маҳал-лий аҳоли вакиллари вагонлар остиди қолиб кетган йўловчиларни кутқариш иш-лари билан шуғулланмоқда. Шу боис қур-бонлар сони яна ортиши мумкинлиги ай-тилмоқда.

Тайван оролларида пайдо бўлган «Лунван» тўфони Хитойнинг Фунцзян вилоятига яқинлашиб қолди. Шу боис мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди. Соҳа мутахассисларининг маълум қилиши-ча, айни пайтда «Лунван»нинг кучи бе-роз пасайган ва соатига 126 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда.

(ЎЗА)



Касаба уюшмалари меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси. Турли соҳа кишилари нуфузли жа-моат ташкилотни ходимларига ўзла-раринг ҳақийқий суянчиги сифатида қарашади. Аммо инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, адолатни юза-га чиқариш осон эмас. Бунинг учун кишида чуқур билим, тажриба ва ўзига хос салоҳият бўлиши керак.

(ЎЗА)

аҳамияти катта бўлмоқда. Машгу-лотларда соҳанинг энг тажрибали мутахассислари, раҳбар кадрлари, қолаверса, республикамизнинг етакчи олимлари чиқилар қилиб, тингловчиларга сабоқ беришмоқда. Жонли мулоқотлар, фикр алмашу-лар жараёнида тингловчилар ўзла-рини ўйлантираётган, тўлқинлан-тираётган саволларга атрофлича жа-воб олмақдалар. Буларнинг ҳамма-си уларнинг фаолиятида фойда ас-тоқланади.

Суратларда: УэКУФК ўқув мар-казида наватдаги машгулот пай-ти.



И.ХАСАНОВ олган суратлар

## НУРОТА МАРМАРИ - ЭКСПОРТГА

«Нуротамар» - доврugi дунёга кетган сержило мрамрларни қайта ишлаш билан шуғулланадиган энг йирик корхоналардан бири. Корхонамизга Италиянинг «Пекдрини» фирмаси технологик ли-ниси ўрнатилган, ишлаб чиқариш унумдорлиги икки-уч баравар ор-тди, - дейди корхона раҳбари Шоди Фозилов. - Фозгон ва Нурота конларидан ҳарсанг тошларни қазиб олиб, турли ҳажмдаги мрамр тахтачаларни ишлаб чиқараямиз. Хомашени тайёр маҳсулотга ай-лантириш ҳисобидан катта миқдорда валюта ишлаш имконияти яра-тиди. Шу йилнинг ўтган даврида 30 минг квадрат метрдан ортиқ мрамр плита ишлаб чиқардик. Шунинг бир қисмини Россия, Қозо-ғистон, Украина, Туркманстон ва Афғонистон давлатларига экспорт қилдик.

Дарвоқе, нуроталик тоштарошлар нафақат мрамр плиталар, балки мрамр лаганлар, уй-рўзгор буюмлари, соғабонг буюмлар ҳам ясашади. Ун мингдан зиёд киши шу соҳада меҳнат қилади.

### Халқ ижодиёти



**Мехнатқашларнинг кўнгилли дам олиб, янгидан куч-қувват ҳосил қилишларида маданият масканлари муҳим ўрин тутди. Бизнинг Олмалик тоғ-металлургия комбинати очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитасига қарашли «Металлург» маданият саройимиз ходимлари меҳнат ахлининг бўш вақтида мароқли хордик чиқаришини таъминлашга қаратилган бўлишмоқда.**

## ГЎЗАЛЛИК МАСКАНИ

Муассасамиз ташкил топганига қирқ йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, мустақиллик йилларида чинакам ривожланиш йўлига кирди. Унинг самарали фаолият кўрсатишида қорхона маъмурияти ва касабга уюшма кўмитасининг ҳамкорликдаги яқин кўмаги кўл келмоқда. Маданият саройида минг нафар томошабинга мўлжалланган катта ва кичик кўргазма заллари, маъмурий ва тўғрақ хоналари мавжуд. Бу ерда 26 та санъат тўғраги фаолият кўрсатмоқда. 10 та болалар ва ўсмирлар ижодий, 6 та вокал-чолгу, 8 та ракс, драма ва цирк тўғрақларида мингдан зиёд ёшлар ўз қобилиятларини чархлашмоқда. Бу ерда 30 га яқин ижодий ходим ёшларга санъат сирларини ўргатмоқда.

да бўлиб ўтган катта концертларда ўз санъатини томошабинларга намойиш этди.

Энг эътиборлиси, биз ўз фаолиятимиз давомида юртимиздаги бошқа маданият гушалари билан яқин алоқа ўрнатиб, ўзаро тажриба алмашишга аҳамият бериб келаямиз. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатининг «Фарход» ва Чирчиқ шаҳридаги маданият саройлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Жамоамиз 1995 йилдан ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб келади. Кўпинча пулли концертлар ташкил этиб, тушган маблағларни бадий ҳаваскорлик гуруҳлар аъзолари учун кийим-кечак харид қилишга сарфлагаямиз.

Меҳнатимиз беиз кетмайпти. Ўтган йили маданият саройимиз фаолияти республика миқёсида эътироф этилиб, иш тажрибамиз соҳа ходимлари ўртасида оммалаштирилди.

**Вера НАЙМУШИНА, «Металлург» маданият саройи мудирини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## Спорт оламида

### Шоҳмат ТОПАЛОВ ИЛГАРИЛАБ КЕТДИ



Душанбадан сешанбага ўтар кечаси Аргентинанин Сан-Луис шаҳрида шоҳмат бўйича жаҳон чемпионати баҳсларининг бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Жамуртимиз Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсга қарши дона суриб, дуранга имзо чекди. Энди Рустамнинг жаҳон оқчоли 2,5 та бўлиб, ҳамон тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Навбатдаги турда у венгриялик Леккога қарши дона суради.

Марказий ўйин турнирда пешқадамлик қилаётган болгариялик Веселин Топалов ҳамда унинг энг яқин таъкибчиси россиялик Пётр Свидлер ўртасида кечди. Рус гроссмейстери оқ доналарда ўйланган бўлишига қарамадан, бахс аввалида анча аниқ дебют олган Топалов имкониятни қўлдан бермади. Шундай қилиб, болгариялик гроссмейстер яқин таъкибчиларидан 1,5 очкога илгарилаб кетди. Ҳиндистонлик Вишванатан Ананд венгриялик Пётр Лекко билан россиялик Александр Морозевич эса Юдит Полгар билан дуранг ўйнади. Олтинчи турда қийиндаги жуфтликлар, Полгар-Топалов, Ананд-Свидлер, Адамс-Морозевичлар ўзаро куч синашди.

Эслатиб ўтамиз, бу чемпионат 16 октябрда якунига етди. Агар ўйинлар давомида чемпионликка даъвогар шахматчиларнинг оқчоли тенг келиб қолса, унда ким қўл галаба қозонганига қараб голиб аниқланади. Бунда ҳам имкониятлар баробар бўлса, икки даъвогар ўртасида такрорий ўйин ўтказилади.

Теннис **ДИНАРА ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ**

Германиянинг Фильдерштадт шаҳрида мукофот жамғармаси 650 миң АҚШ долларидан иборат бўлган турнир старт олди. Россиялик умидли теннисчи Динара Сафина дастлабки ўйинда

ялғора эгалик қилиб келганда. Энди компания қолган 55 фоиз акцияларни ўзиники қилди. Жамоа энди Буюк Британиядаги Беркшир графлигига қарашли Брэкли шаҳрида махон топади. Чунки, бу шаҳарда «Хонда» компаниясининг автозаводи жойлашган.

«Узоқ тортишувлардан сўнг «Формула-1» пойга-ларида «Хонда»нинг муваффақиятли катнашуви ни ўйлаб, БАР акцияларининг ҳаммасини сотиб олишга аҳд қилдик, - деган спорт директори Хироси Ошима.

Шундай қилиб «Хонда» вакиллари кейинги йилда «Рено» ҳамда «МакЛарен» жамоаларига жаҳон чемпиони ва кубоги баҳсларида кучли рақобатчи бўлиши мумкин.

## Спорт оламида

Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги кишлоқларидан бири Боголон деб юритилади. Баъзи тадқиқотчилар ва шу ерлик халқ бу номи боғи кўп, богзор деб талкин қиладилар.

Аммо тарихий маълумотларга асосланиб, бу топонимни «Боги алон» деб тушуниш, яъни қадимги алон халқининг номи билан боғлаш ҳақиқатга яқиндир. Чунки Хоразмда қадимги Эрон гуруҳ тилларида гаплашувчи алон қабиаларининг яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, бу ерда ҳозир ҳам мавжуд бўлган Аланлар, Алан қалъа каби номилар бу фикрни яна бир қарра тасдиқлайди.

Энди топонимнинг биринчи қисми «бо» сўзига келсак, бу сўзнинг мевазор маъносидан ташқари яна қатор маънолари мавжуд. Жумладан, боғ, ер, тўп, жамлик қабила каби. Шунга қўра, «Боголон» сўзи Богалон, яъни Алонлар ери, Алонлар жами маъносига эга.

«Работ» сўзи қадимги туркий тилларда кўп учрайди. «Работ» сўзининг қадимда кишлоқ қарвон сарой, бекат каби маънолари мавжуд.

Шундай қилиб, бу кишлоқ номи икки сўздан ташкил топган: шо(х)+работ. Маълумки, «шо» сўзи подшоҳ маъносидан ташқари, катта, асосий, бош сингари маъноларда ҳам қўлланилади.

Бинобарин, «Шеробод» сўзи ҳам аслида «Шоработ» бўлиб, бош бекат, катта қарвон сарой маъносини англатади.

## Маҳалланг-отанг, онанг

Маҳаллаларда барча ишлар эҳтиётдан келиб чиқиб ҳал қилинади. Яъни маҳалла ахлининг орзулари, тақдирлари, ташаббуслари ўзаро ҳамжиҳатлик билан рўйбга чиқарилади. Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Баряка маҳалласида олиб борилаётган ишлар шу жиҳатдан ибратлидир.

## БАРАКА—АХИЛЛИҚДА

Мустақиллик байрами арафасида 100 га яқин кам таъминланган оилаларнинг табиий газ учун 1 миллион сўмлик тўлови маҳалла ҳисобидан амалга оширилди, 53 фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Қарияларга, ногиронларга йилга икки марта кийим-кечак, зарурий махсулотлар тарқатиш, уй ишларига ёрдам бериш одати ҳолга айланган. Одамлар кўнглидаги яхши ниятларни рўйбга чиқариш учун уларнинг турмушини, дарду ташвишини билиш керак, - дейди маҳалла оқсоқоли Суннат Кубаев. - Ҳамфиқрлик туфайли маҳалламизда бадий ҳаваскорлик жамоаси ташкил топди. Тадбиркорларимиз ёрдамида жамоа зарур анжомлар, либослар билан таъминланди. Спорт тўғрақларида иш йўлга қўйилди. Турли тадбирларни ўтказиш учун маблағ зарур. Ана шу маблағ манбаини яратадик. Новойхона, ошхона, тўй-маъракалар учун стол-стул, идиш-товоқларни ижарага бериш маҳалла хазинасини тўлдиряпти.

Тадбиркорлар, саховатли кишилар ҳам қараб туришгани йўқ. Уш имкониятни даражасида ҳиммат кўрсатишмоқда. В.Чернишева, Х. Нуриллаева сингари оналарнинг сўзларидан аниқликки, маҳалла одамларининг ҳеч бири маҳалла юмушларидан уларини четга тортмайди. Бирор хонадонда муаммо, ташвиш пайдо бўлса, бамаънаҳад ёрдам қўлини чўзишади. Ҳозир 2,5 миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада юзага келган ҳамжиҳатликни кўриб ҳавасини эг қилади. Ҳамманинг ва ҳар бир кишининг фикри, ҳаракати бир максат сари йўналтирилгандагина чинакам халқ қудрати намоён бўлади. Маҳалланин шайхона ва устувор хусусиятининг асл мазмуни ҳам ана шунга эришишдадир.

**Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири**

## ТОҒ БАҒРИДАГИ КОЛЛЕЖ

Шаҳрисабз туманининг Хисор тоғ тизмаларида Билан Зарафшон тоғ тизмаларига кирувчи Чақилқалон тоғи оралиғида денгиз сатҳидан 1200 метрли баландликда янгидан ташкил этилган Мирзои Спорт педагогика коллежи ўзининг биринчи талабаларини бағрига олганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Мустақилликнинг 14 йиллиги тўғрисида муносиб тўёна бўлган бу масканга 370 га яқин талаба тест синовлари асосида ўқишга қабул қилиниб, улар бошланғич синфларда жисмоний тарбия, бошланғич таълим ўқитувчилиги ҳамда спорт йўналишининг олти тури бўйича тахсил олимоқда. Булажа педагогларга юқори малакали устозлар, спорт мураббийлари бор маҳоратларини ишга солиб, касб сирларидан сабоқ бермоқда. Ўқув корпуси ва машғулот залларида бўлар экансиз, сизда ҳам беихтиёр шу талабалар сафида бўлиш, турли спорт машғулотларига қатнашишга иштиёқ туғилади.

Айниқса, спорт коллежи учун муносиб жой танлангани таҳсинга лойиқ. Коллежга ва машғулот залига бориб-келишининг ўзи табиат ва тоза ҳаво кўнглидаги аҳойиб спорт машғулотига ўхшайди. Тошдан тошга урилиб, жушқин тезликда пастга энаётган жилғаларга

## ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР КЎМАГИДА

Пойтахтимиздаги Эски шаҳарнинг бугунги киффаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Янгидан қирой очган бу ҳаудада Болалар ижодиёти уйи ҳам қад кўтарди.

Ўзига хос меъморий қошуна кўрсатишда қурилган бу даргоҳ истеъдодли ёшлар учун муносиб соғва бўлди. Ҳозир бу ерда ўн йўналишда 20 та клуб, ижодий студия ва бадий тўғрақлар ишлаб турибди. Уларга 1200 нафар ўғил-қиз қатнашиб, ўз ижодий иқтидорларини оширишлари мумкин. Болалар ижодиёти уйида яратилган қулайликларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бунда ҳромий ташкилотларнинг кўрсатаётган ҳимматлари катта бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш шоир ва журналистлар клубини ўз оталиғига олди. Тасвирий санъат тўғраги Ўзбекистон Бадиий академияси ҳомийлигида фаолият кўрсата бошлади. «Олтин мерос» халқаро жамғарма сай-ҳаракати билан эса халқ амалий санъати тўғраги ташкил топди.

## Бир ғазал шарҳи

Кўзингиз тушиб, хушбўй ги-ёҳлар ҳидини сезганингизда қаердандир кўчингизга куч, ғайратингизга ғайрат қўшилиётгандай бўлади... Коллежимиз янги бўлганидан унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, маърифий ва маънавий жиҳатдан юксалтириш йўлирини изляяёмиз, - дейди коллеж директори Наим Жўраев.

Келтирилаётган ўқув даст-гоҳлари ва жиҳозлари уларнинг иши билан сўзи бир инсонлар эканлигини, интилишларини тасдиқлаб турибди. Ҳа, айтгандай яқинда коллеж ҳаётида биринчи муваффақиятга эришилди. Коллеж талабаси Лазиз Худоберо Республика чемпиониликка қатнашиб, спортнинг карата-до тури бўлиши мамлакат чемпионилигини қўлга киритди.

**Р.АЛИЕВ**

## Умумий йўқусига бориб, жаҳондин бўлдум осуда, Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ, билгайсиз, Эрур жангу жадал, ранжу рибзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, гам ема дунё учун зинҳор Ки, бир дам гам емакка эрзимас дунёи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, об, топпайғаму Сенингдек дардпаймо-ю, менингдек дард паймуда?

Улусдин тинимдин умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур, Мағар ўлсам, бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда. Тақдир тақозоси билан 12 ёшга етар-етмас Андижон тахтига ўтирган Бобурнинг умри асосан жангу жадалларда ўтган, ҳаётида осуда дам жуда кам бўлган. Ўзининг эътирофи таъриҳчи, ёши ўн бирдан ошгандан кейин бирор марта рамазон ҳайитини бир жойда икки марта қутиб олиш унга насиб қилмаган экан. Хусусан, ҳам Андижон, ҳам

## ЗАМОНА АҲЛИ ИЧРА...

Самарқанд қўлдан кетиб, тож-тахтдан маҳрум бўлиб, икки ўртада саросен-саргардон юрганларида у баъзида жуда тушунликка тушган. Аҳмад Танбал исбни туфайли Андижон иккинчи бор бои берилган-ку, ўзини таъкиб қилганлардан зўрга қочиб қутулади. Қарнон деган жойда унинг ёлғиз ўзини уч киши ўртага олиб, Андижон тахтига ўтказиш вадаси билан қўлга олмоқчи бўладилар. Ушанда у охириги марта намоз ўқиб олишга рухсат сўрайди.

«Ўзумни ўлғамга қарор бердим, - деб ёзади бу ҳақда «Бобурнома»да. - Ушал богда сув оқиб келадур эди, вузуъ (тахорат - Э.О.) қилдим, икки раъкат намоз ўқудим, бошимни муножотга қўюб, тилак тиладур эдимки, кўзум уйкуга борибтур. Қўрадурманким, Хожа Яъқуб - Хожа Яъқубнинг ўғли, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари руборўйимга аблақ (ола-була - Э.О.) от миниб, кўп жамоати аблақсувор (отлик- Э.О.) билан келдилар. Дедиларким: «Гам емангиз, Хожа Ахрор мени сизга юбордилар. Дедиларким: «Биз аларга истинотат теғуруб (мадад қилиб - Э.О.), подшоҳлик маснадига ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб, ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатх ва нусрат (зафар ва галаба - Э.О.) сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг!»

Шу орада отлар дупури эшитилади ва Бобурнинг тарофдорларидан Кутлуг Мухаммад Барлос билан Бобои Парғарий келиб, уни халос қиладилар. Қизиги шундаки, Кутлуг Мухаммад Барлос ҳам туш кўргани ва тушида Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий Бобурнинг қаерда эканлигини айтиб, уни олиб келишни буюрганларини баён қилади.

Ушбу ғазал ана шундай мушкул ҳолат ва тушқун кайфиятлар махсули эканлиги шубҳасиз: **Умумий йўқусига бориб, жаҳондин бўлдум осуда, Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.** Бобур Мовароуннаҳрдаги парчаланиб кета бошлаган темирйилар салтанатини сақлаб қолиш ва шайбонийларга қарши тура олишга қодир ягона ҳукмдор эди. Афсуски, темирйил шахзодалардан бирортаси уни қўллаб-қувватламади, тоғалари бўлимиш мўғул хонларидан ҳам ёрдам ололмади. Шунча ҳаракат қилиб, ҳеч иш чиқаролмагач, у ноилож тақдирни куч билан ўзгартириб бўлмас экан, жангу жадал, ранжу рибзат беҳуда экан, деган хулосага келади. Бобурнинг Мовароуннаҳрдаги омадсизликлари бу фикрни тўла тасдиқлайди. Тақдир ҳам баъзида ўта шафқатсиз бўлади. Бўлмаса, ўз максоди йўлида шунчалик қатъият ва шижоат билан курашган Бобур бу тақдирга муносиб эмас эди.

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири ахоб» таъкирасида ёзилишича, Бобур «Чигатой султонларининг энг сараси ва эр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига ага бўлиб, уни сақлаб қолиш учун

## «ХУСАИН» РУҲНИ КЎТАРАДИ

Улуғ шифоқор олим Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига жойларда катта таъйиғарлик ишлари олиб боришмоқда. Бу санага таъабот соҳасида ҳам муҳим тадбирлар кўришмоқда.

«Хусайн» деб номланган янги препарат ҳам юзага келди. Улуғ мутафаккири номи билан аталган бу дори қандли диабет касаллигини даволашга қўл келиб, бемор руҳини кўтаришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Халқ Табобати академияси томонидан яратилган бу препарат Ибн Сино таваллудига яхши соғва бўлди. Академия шунча муносабати билан яна қатор ютуқларни қўлга киритди. Буюк олим таъриҳчиларга асосланган даъватининг 30 га яқин хили тайёрланди. «Осиё» деб номланган бундай дориворлар халқ таъаботида кенг қўлланилади. Табиий неъматлардан тайёрланган бир неча хил препарат ҳам юзага келди.

**А.АҚБАРОВ**

Мазмуни: «Эй кўнгул, қани, қароб кўр-чи, замон аҳли ичра менингдек дард манзилини босиб ўтган-у, сенингдек дард чеккан киши ана бир бормикан?» «Хумсионнома» асариде эътироф этилишича, Амир Темир замонидан бўён ўтган подшоҳлар ичиде Бобур каби нотинч бўлгани йўқ. Чиндан ҳам, ҳали болалиғидедек тақдир уни болалар гирдобига отди. У бошидин кечирган тақдир синовлари бемалол ўнта одамга ҳам етиб ортади. Ҳаётнинг ҳар қанчали машаққатлари бўлса, мардона энгиб ўтган, шум фалақининг барча найрангларига сабот билан бардош берган, замонанин бор адолатсизликларини кўрган, одамларнинг жабру фаолари, хиёнатларига чидаган, шунга қарамай, даярли осуда умр кечирмай дунёдан ўтаётган бир инсон шундай дейишга минг қарра ҳақли эди. Бошқа бир ғазалида бу фикр янада ривожланиб, кенгайиб, очик-ошкор тус олади: **Ҳар бинганим эзм этсам, ёнимда борур моҳнат, Ҳар сориким юлсансам, ўтримга келур қайту.**

**Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату гам кўрган, Осийишга кам кўрган мендек ана бир борму?** Маълумки, Бобур шайрияти фақуллада ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улуғ салафларига эргашиб ёзган баъзи бир аънавий шайрларини ҳисобга олмаганда, у асосан ўзи кўрган-билган, қалбидан ўтказган, уни тўқинлантирган нарсалар, кечинмалар ҳақида ёзади. У ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапиради, фазилатлари хусусида ўртоқлашибгина қолай, кўсурларини ҳам мардлик билан очиб ташлайди. Бинобарин, у кўнглидан кечган бадбин ва тушқун кечинмаларини ҳам яширмай, ошкор ифодалайди. Бундай очик-ойдин иқдор шоирни ўқувчига яқинлаштиради.

**Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди**

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир **МУАССИС:** Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичим А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.